

Course Name: FUNDAMENTALS OF PROJECT MANAGEMENT

Курс номи: ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ АСОСЛАРИ

MANAGEMENT SYSTEM OF INVESTMENT PROJECTS

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ

Topic (Мавзу) # 9

Week (Хафта) # 9

PhD, dosent Alimov Bakhodir Batirovich

РЕЖА

1. Инвестиция лойиҳа нима?
2. Инвестиция лойиҳасининг умумий таснифи
3. Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқаришнинг хусусиятлари
4. Инвестиция лойиҳаларини бошқариш билан шуғулланувчи муаассасаларнинг вазифалари ва функциялари
5. Инвестиция лойиҳаларини бошқаришда жаҳон амалиёти
6. Инвестиция лойиҳаларининг молиявий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари
7. Инвестицион лойиҳаларни бошқаришда мониторинг ва назорат жараёнлари

Ўзбекистон иқтисодиётини жадал суръатларда ривожланиб бориш даврида инвестициялар оқимини кўпайтиришда тараққий этган, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидан тажриба алмашиш жуда зарур. Ушбу мамлакатларда инвестициялар оқимининг кўпаётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Уларнинг иқтисодиётига киритилаётган тўғридан-тўғри инвестициялар улуши тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Ўз навбатида, инвестициялар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ кўплаб муаммолар мавжудлиги инвестиция лойиҳаларини бошқаришни такомиллаштириш зарурлигини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларига жойлаштириш механизмларини оптималлаштириш, инвестиция лойиҳалари учун миллий инвестиция муҳитининг жозибадорлигини ошириш ва инвестиция фаолиятини молиявий бошқаришнинг изчиллигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ш.М.Мирзиёев “Иқтисодиётимизга сармоя киритмоқчи бўлган сармоядорлар учун инвестиция лойиҳаларини ҳудудлар ва тармоқлар бўйича пухта ишлаб чиқа олсак, бу борада яхши натижага эришиш мумкин”, деб таъкидлади.

2022 йил 12 январь куни Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Стратегик ривожланиш агентлиги фаолияти муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказилди. Бунда “Мамлакатимиздаги барқарорлик ва қулай инвестиция муҳити натижасида ташқи иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда. 2021 йилда жами 10 миллиард доллардан ортиқ, жумладан, 8 миллиард 100 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилган. Бунинг натижасида 318 та йирик ва 15 мингдан зиёд ҳудудий лойиҳалар амалга оширилиб, 273 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган. Янги корхоналар жами 1 миллиард доллардан зиёд экспорт ва 530 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш имкониятига эга.

Мамлакатимиз олимлари томонидан келтирилган таърифга кўра
“**Инвестиция** деганда мулкдорнинг (инвесторнинг) пул маблағи,
қимматбаҳо қоғозлари, техникаси ва технологияси, машина ва
жиҳозларини, мулкка эгалик ҳуқуқи, интеллектуал мулки кабиларни
ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан фойда олиш мақсадида тадбиркор
фаолиятига қўйиш тушунилади.” [9]

Инвестиция, масалани қайси даражада ҳал қилишига қараб ҳам икки гуруҳга бўлинади: микроиқтисодиёт инвестицияси ҳамда макроиқтисодиёт инвестицияси. Микроиқтисодиёт инвестицияси орқали бевосита иқтисодиётнинг кую бугинидаги, яъни корхона даражасидаги муаммоларни ҳал қилади. Макроиқтисодиёт инвестициясида эса бутун иқтисодиёт, унинг юқорги даражасидаги муаммолар ҳал қилинади.

“Инвестициялар миллий иқтисодиётда яратилган миллий бойликнинг таркибий қисми ҳисобланади ва истеъмолдан ортган даромадларнинг жамғарилиши натижасида қайта даромад топиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига жалб этиладиган манба ҳисобланади”.


Бироқ, у чекланган бўлганлиги сабабли ундан самарали фойдаланишда инвестицияларнинг даромадлилиги, тез қопланувчанлиги, самарадорлигини таъминлашга бўлган эътиборни кучайтиради.

“Инвестиция лойиҳаси деганда фойда олиш мақсадида қўйилган инвестициядан фойдаланиш режасининг (стратегиясининг) асосли равишда ишлаб чиқилиши тушунилади”. [9]

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАСИ ИККИ ХИЛ МАЗМУНДА ТАЛҚИН ҚИЛИНАДИ:


1. Муайян мақсадларга эришишни таъминловчи қандайдир фаолиятлар йиғиндисини амалга оширишни назарда тутувчи иш, фаолият, тадбир сифатида тушунилади. Бундай ҳолларда “хўжалик тадбири”, “иш”, “лойиҳа” терминлари ушбу тушунчаларга мазмунан яқин келади.

2. Қандайдир фаолиятларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий-бошқарув ва молиявий-ҳисоб ҳужжатлари тизими ёки бундай фаолиятлар тизимини баён этувчи ҳужжатлар тўплами сифатида қаралади.



ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАСИНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ

ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ



1. Ишлаб чиқаришни технологик ва моддий-техник янгилашга, асосий фондларни алмаштириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини ошириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини кўпайтиришга қаратилган лойиҳалар
2. Талабни янада тўлиқроқ қондириш мақсадида мазкур турдаги ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатураси ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот сотиш бозорини кенгайтириш, фойдани кўпайтиришга қаратилган лойиҳалар
3. Бозорни эгаллаш учун янги турдаги маҳсулот (иш, хизмат) турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, бозорнинг янги сегментларини яратиш, ўзгарувчан талабларни қондириш ва шу орқали юқори фойда олишга қаратилган лойиҳалар.

Замонавий тушунчада лойиҳалар - бу бизнинг ҳаётимизни ўзгартирувчи нарсалар: бино ёки саноат объекти қурилиши, илмий-тадқиқот ишлари дастури, корxonани реконструкция ёки модернизация қилиш, янги корхона ташкил этиш, инновацияларни ишлаб чиқиш, кинофилм яратиш, ҳудудни ривожлантириш, тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш дастури, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастури, ёшларнинг илмий ижоди ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш дастурлари, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш дастури, аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури ва бошқа шу кабилар - буларнинг барчаси лойиҳалар.



ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг ўзи нима, деган ҳақли савол туғилади. **Инвестиция лойиҳаларини бошқариш** инвестицияларни бошқариш (инвестиция менежменти) билан боғлиқ бўлиб, инвестиция менежментининг мақсади кўпроқ фойда (даромад) келтирувчи ва камроқ рискка эга бўлган инвестицияларни, инвестиция лойиҳаларини танлашдан иборатдир. **Инвестиция менежментининг** ўзи - бу бир санъатдир. Унинг аҳамияти шунда намоён бўладики, у сабаб инвесторда бошқа инвесторларга нисбатан кўпроқ даромад олиш ва нисбатан камроқ рискка дучор бўлишга имкон берувчи инвестиция объектлари, лойиҳаларини излаб топиш ва танлаш имконияти яратилади, ўз мақсади ва устунлигига эришади.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИНИ ҚУЙИДАГИЛАР БИЛАН ИЗОҲЛАШ МУМКИН:

1. Молиявий нобарқарорлик шароитида инвестиция лойиҳаси бўйича инвестициялашнинг амалга оширилиши унинг самарадорлигини пасайтириб юбориш хавфини кучайтиради. Бу инвестиция лойиҳасидан кутиладиган самарани таъминлашда уни бошқаришга бўлган эҳтиёжни кучайтиради.

Инвестиция лойиҳаси самарадорлиги уни баҳолашнинг бир қанча замонавий усуллари қўллаш асосида аниқланади. Бу инвестиция лойиҳаси бошқарувида муҳим ўрин эгаллайди ва унинг натижаларига асосланиб лойиҳа раҳбари, таъсисчилар, инвесторлар ва бошқа иштирокчиларда инвестиция лойиҳасига тегишли ўзгартиришлар киритиш ёки пировардида, ундан ўз вақтида воз кечиш юзасидан қарорлар қабул қилиш имкониятини туғдиради.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИНИ ҚУЙИДАГИЛАР БИЛАН ИЗОҲЛАШ МУМКИН:

2. Инвестиция лойиҳаларини бошқариш вақт жараёни билан бевосита боғлиқ. Бу, ўз навбатида, вақтнинг инвестиция лойиҳаси натижаларига таъсирини мақбуллаштиришда муҳим ўрин эгаллайди. Пулнинг вақт мобайнида ўз қийматини йўқотиб бориши инвестиция жараёнида капиталнинг инвестор лойиҳадан кутган самарани ҳосил қилишини таъминлаш йўлида тўғри ва оптимал ишлатилишини таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради ва оширади.

Инвестициялаш бўш пул маблағларини жалб қилиш эвазига юз беради. Ҳаракатда бўлмаган пул ресурслари ўз қийматини йўқотиб бораверади. Бу йўқотиш аниқ мақсадга эга бўлмаган ва самараси таҳлил қилинмаган инвестициялашда кўпроқ юз беради. Бироқ, турли омиллар таъсири шароитида вақт ўтиши билан пухта ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳасига йўналтирилган инвестициялашда ҳам капитал қиймати ўзгариши ёки ўзгаришсиз қолиши мумкин.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИНИ ҚУЙИДАГИЛАР БИЛАН ИЗОҲЛАШ МУМКИН:

3. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг якуний натижасига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири инфляция ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, фоиз ставкасининг сурункали ўзгариб бориши, валюта курсининг ўзгариши, талаб ва таклифнинг ўзгариши, қонунчиликдаги нобарқарорлик (депозит ва кредитлар бўйича фоиз ставкалари, мажбурий захира меъёри, қайта молиялаштириш ставкаси, валюта сиёсати, божхона сиёсати ва ш.к.) кабилар натижасида юзага келади.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИНИ ҚУЙИДАГИЛАР БИЛАН ИЗОҲЛАШ МУМКИН:

4. Турли ноаниқликларнинг мавжудлиги ва таъсири сабаб, ноаниқлик омилларини ҳисобга олган ҳолда инвестиция лойиҳаларини, жараёнларни самарали бошқаришнинг замонавий тамойиллари, механизмлари ва усулларини билиш ҳамда улардан оптимал фойдаланиш иқтисодиёт ривожланишининг янги сифатига ўтиш имконини беради.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИНИ ҚУЙИДАГИЛАР БИЛАН ИЗОҲЛАШ МУМКИН:

5. Ҳар қандай инвестиция лойиҳасининг кучли ва ожиз томонлари бўлишини ҳисобга олган ҳолда уларни молиявий таҳлил қилиш ва диагностика қилиш орқали лойиҳани амалга ошириш жараёнида дуч келинадиган рисклар, инқирозли вазиятдан чиқиб кетиш юзасидан қарорлар қабул қилиш, чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бунда кўриладиган зарарлардан ўзини-ўзи суғурталаш амалиётини кучайтиришга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ
МУАССАСАЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

Инвестиция таклифларини, лойиҳа хужжатларини ишлаб
чиқиш ва экспертизадан ўтказиш ҳамда хорижий
инвестицияларни жалб этиш

Янги технологиялар,
инвестиция
таклифларини ва
маҳаллийлаштириш
лойиҳаларини ишлаб
чиқиш

Лойиҳа хужжатлари
ишлаб чиқилиши ва
экспертизадан
ўтказилишини
мувофиқлаштириш

Тендер хужжатлари ишлаб
чиқилишини, тендер савдолари
ўтказилишини, шартномалар
тузилишини, экспертизадан ва
рўйхатдан ўтказилишини
мувофиқлаштириш

Инвестиция лойиҳалари, маҳаллийлаштириш лойиҳалари
амалга оширилиши
мониторингини юритиш

Лойиҳалар амалга оширилиши,
инвестиция мажбуриятлари
бажарилиши мониторингини олиб
бориш ва лойиҳани амалга
ошириш гуруҳлари фаолиятини
мувофиқлаштириш

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ
БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ МУАССАСАЛАРНИНГ
ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ (ТЕНДЕРЛАР ЎТКАЗИШ,
КОНТРАКТЛАР ТУЗИШ ВА УЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ, ТАРМОҚ
ЖАДВАЛЛАРИНИНГ, ИНВЕСТИЦИЯ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ),
МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРЛАРИ МОНИТОРИНГИ СОҲАСИДА:**

саноатни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларига, тармоқ дастурларига ва инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини ишлаб чиқади, келишади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

ижро этувчи агентлик тузилмасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари лойиҳани амалга ошириш тармоқ жадвалига мувофиқ уларни фойдаланишга топширишга қадар ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлайди;

тендер ҳужжатлари ўз вақтида ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда келишилишини таъминлайди, тендер (танлов) савдолари ўтказилгунга қадар харид қилинадиган товарлар ва хизматлар бозори конъюктурасини маркетинг йўли билан, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган консалтинг компанияларини жалб этган ҳолда ўрганади;

тендер (танлов) савдолари ўз вақтида ўтказилишини, контрактлар тузилишини белгиланган тартибда таъминлайди, уларни экспертизадан ва рўйхатдан ўтказди;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, халқаро қоидаларга ҳамда тегишли халқаро молиявий иқтисодий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг тартиб-қоидаларига мувофиқ тузилган контрактлар бўйича асбоб-ускуналар, материаллар етказиб бериш ҳамда ишлар ва хизматларни бажариш мониторингини амалга оширади;

имзоланган контрактлар бўйича инвестиция битимларининг хорижий шериклари, етказиб берувчилар ва пудратчилар, инвестиция лойиҳаларини тузилган контрактларга қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида молиялаштириш бўйича ваколатли банклар томонидан мажбуриятлар бажарилиши устидан мониторинг олиб боради;

Давлат инвестиция дастури ва бошқа дастурлар, шу жумладан, тармоқ дастурларини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади;

инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши тўғрисидаги ахборотни келишилган шакл бўйича мунтазамлилик асосида тегишли вазирликка тақдим этади;

инвестициялар ва кредитлар жалб этилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш асосида уларни тезкор бартараф этиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, инвестицияларни жалб этиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва ушбу йўналишда иш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури доирасида капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари, млрд. сўмда

Молиялаштириш манбалари	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	2026 й.
Капитал қўйилмалар, жами	298772	346848	400318	457659	521603
Шу жумладан:					
1. Марказлашган инвестициялар:	50767	61480	72378	76106	83579
Бюджет маблағлари	23 790	25 017	28 074	29 400	30 388
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари (сўмда)	1 613,2	3 100	3 450	4 514	4 937
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар (сўмда)	25 363	33 364	40 854	42 192	48 255
2. Марказлашмаган инвестициялар:	248006	285368	327940	381553	438024
Корхона маблағлари, шу жумладан, корхоналарнинг ўз ихтиёрида қолдириладиган солиқлар	69 433	76 926	92 465	110 384	129 026
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	49 606	53 696	64 861	79 242	91 458
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўмда)	107 621	130 186	141 024	157 094	178 353
Аҳоли маблағлари	21 346	24 560	29 590	34 833	39 187

Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини бошқариш ва мувофиқлаштириш билан шуғулланадиган расмий муассасалар

1.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти	<p style="text-align: center;">Қуйидаги жорий жараёнларни мувофиқлаштиради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда, чет эл инвестициялари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш; - давлат бошқаруви идоралари, вазирликлар ва идоралар ишини ташкил этиш ва бошқалар.
2.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқ.	Инвестиция сиёсатини ва дастурларини ишлаб чиқиш ва бошқалар
3.	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги	<p style="text-align: center;">Давлатга тегишли мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш жараёнларида чет эл инвестицияларини тартибга солиш, давлат активларини самарали бошқариш, монополияни тугатиш, капитал бозорига инвестициялар жалб қилиш, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш. Мамлакат ва хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш орқали мажмуа инвестицияларини амалга ошириш ва бошқ.</p>
4.	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги	Қарз сиёсати ва ҳукумат кафолатларини бериш ва бошқалар
5.	Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги	Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш ва бошқалар
6.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	Хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишлаётган ажнабий фуқароларга визалар бериш ва бошқ.
7.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	Хорижий инвесторларни ва Ўзбекистонда ишлаётган ажнабий фуқароларни турар жойи бўйича рўйхатга олиш ва бошқ.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини бошқариш ва мувофиқлаштириш билан шуғулланадиган расмий муассасалар

8.	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уларнинг божхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш.
9.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	Конвертатсия тартиб-қоидаларини, шунингдек, унинг ўтказилишини, валюта маблағларидан фойдаланишни тартибга солиш, қарз сиёсати ва бошқ.
10.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банк	Ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизмати кўрсатиш ва лойиҳани молиялашни амалга ошириш ва бошқ.
11.	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> - мамлакат ва хориж инвесторларининг инвестиция таклифлари тўғрисида маълумотлар банкни шакллантириш; - инвестиция муҳитини ўрганиш; - хорижий инвесторларга ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш; - инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ва хориж инвесторларига ёрдам кўрсатиш; - чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини кузатиш (мониторинг); - хорижий инвесторларга давлат рўйхатидан ўтилганидан кейин юридик шахс сифатида фаолият кўрсатишида ёрдам бериш (Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда)
12.	“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси	Чет эл инвестицияларини инвестиция таваккалчилигидан суғурталаш
13.	“Ўзбекинвестлойиҳа” миллий инжиниринг компанияси	Дастлабки техник-иқтисодий асосномани ва инвестиция лойиҳалари техник-иқтисодий асосноларини тайёрлаш ва бошқ.

**ИНВЕСТИЦИЯ
ЛОЙИҲАЛАРИНИ
БОШҚАРИШНИНГ
МАКРОИҚТИСОДИЙ
ДАСТАКЛАРИ**



ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ



**СОЛИҚ ВА БОЖХОНА СИЁСАТИ
(СУҒУРТА)**



ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ



АМОРТИЗАЦИЯ СИЁСАТИ

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ
МАКРОИҚТИСОДИЙ ДАСТАКЛАРИ**

Инвестицион лойиҳаларни бошқариш инвестицияларни бошқариш билан боғлиқ бўлиб, инвестиция менежментининг мақсади кўпроқ фойда келтирувчи ва камроқ рискка эга бўлган инвестицияларни, инвестиция лойиҳаларини танлашдан иборатдир.

Инвестиция лойиҳасида белгиланган натижаларга бажариладиган ишлар таркиби, ҳажми, қиймати, сифати ва лойиҳа иштирокчилари манфаатлари таъминланиши бўйича эришиш учун бошқарувнинг замонавий усуллари, техника ва технологиясидан фойдаланиш йўли билан лойиҳа мақсадларига самарали эришишга йўналтирилган лойиҳа даври оралиғида меҳнат, молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш методологиясига инвестицион лойиҳаларни бошқариш дейилади.

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТУРЛИ ТИЗИМЛАР АСОСИДА ҲАМ АМАЛГА ОШИРИШ МУМКИН ВА УНИ ҚУЙИДАГИ ВАРИАНТЛАРДА ИФОДАЛАШ МУМКИН:

1. Асосий тизим. Бунда лойиҳа раҳбари (менежери) буюртмачининг вакили (агенти) ҳисобланади ва у қабул қилинадиган қарорлар учун молиявий жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Лойиҳа менежери бўлиб, профессионал бошқариш учун лицензияга эга бўлган ҳар қандай лойиҳа иштирокчилари – юридик ёки жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда лойиҳа менежери буюртмачидан ташқари лойиҳанинг бошқа иштирокчилари билан шартнома муносабатлари асосида фаолият юритиши мумкин эмас ва лойиҳанинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши устидан бошқариш ва мувофиқлаштириб боришни таъминлаши зарур. Мазкур тизимнинг афзаллиги - лойиҳа менежерининг объективлиги бўлса, камчилиги лойиҳа натижалари учун жавобгарлик тўлиқлигича буюртмачи зиммасига юклатилишидир.

**ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТУРЛИ ТИЗИМЛАР
АСОСИДА ҲАМ АМАЛГА ОШИРИШ МУМКИН ВА УНИ ҚУЙИДАГИ
ВАРИАНТЛАРДА ИФОДАЛАШ МУМКИН:**

2. “Кенгайтирилган бошқариш” тизими. Мазкур тизимда лойиҳа раҳбари (менежери) қатъий, чекланган (смета) баҳо доирасида лойиҳа учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3. Лойиҳа менежери лойиҳа буюртмачиси ва иштирокчилари ўртасидаги битим бўйича лойиҳадаги жараёнларни бошқариш ва мувофиқлаштириб боришни таъминлайди. Бунда ҳам - асосий тизимдаги сингари ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс профессионал бошқариш лицензиясига эга бўлган ва буюртмачи олдида ўз мажбуриятлари бўйича жавоб беришга қодир бўлган лойиҳа иштирокчиси лойиҳа менежери бўлиши мумкин.

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТУРЛИ ТИЗИМЛАР АСОСИДА ҲАМ АМАЛГА ОШИРИШ МУМКИН ВА УНИ ҚУЙИДАГИ ВАРИАНТЛАРДА ИФОДАЛАШ МУМКИН:

4. “Калити билан” тизими. Бунда буюртмачи билан лойиҳанинг эълон қилинган қиймати бўйича “калит билан” топшириш шартномасини тузувчи лойиҳа-қурилиш корхонаси лойиҳа раҳбари (менежери) ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қайд этиш жоизки, инвестицион лойиҳаларни бошқаришни қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир:

- лойиҳа давринг инвестиция олди фазасида лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш;
- лойиҳа давринг инвестиция фазасида лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш ҳамда лойиҳа давринг эксплуатация фазасида лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш.

Самарали инвестицион лойиҳаларини ўзлаштириш орқали ривожланган бозор иқтисодиётини барпо этиш билан боғлиқ кўпгина вазифаларни ҳал этишга муваффақ бўламиз. Унинг амалга оширилиши биргина қўшимча фаолият ва ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилишини таъминлаб қолмасдан, балки жамият ҳаётининг ҳақиқий даражасини кўрсатиб берувчи аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига ва давлат бойлигининг кўпайишига ҳамда унинг иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилади.

“Ўзэлтехсаноат” кейинги беш йилда 700 млн. АҚШ долларлик қийматда 168 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштирган. 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга ҳамда экспортни 3 баробарга ошириш вазифалари қўйилган. Жумладан, экспорт ҳажмини 2022 йилда 675 млн. долларга 2026 йилга келиб эса 1,3 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Ишлаб чиқариш ҳажми 2022 йилда 19.трлн. сўмдан 2026 йилда 35 трлн. сўмга етиши кутилмоқда

Самарқанд вилоятида 2022 йилда 7,1 триллион сўмлик 772 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Вилоятнинг ўсиш нуқталари, яъни драйверларини аниқлаб фаол инвестиция сиёсатини юритиш мақсадида 2022 йил учун ҳам аниқ мақсадга қаратилган режалар белгилаб олинган. Жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва давлат кафолати остида бўлмаган хорижий кредит маблағлари иштирокидаги жами 49 та лойиҳа амалга оширилиши ҳисобига 356,4 миллион доллар (шундан, 244,6 миллион доллари хорижий) инвестиция ўзлаштирилиши ва 9 850 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Президент раислигида саноат зоналари ва йирик инвестиция лойиҳалари билан боғлиқ масалаларга бағишланган йиғилишида саноат зоналарига лойиҳани жойлаштириш тартиби қайта кўриб чиқилиб, бюрократиядан холи янги тизим яратилиши таъкидланди. Жумладан:

эркин иқтисодий зоналарда амалга ошириладиган лойиҳаларни экспертиза қилиш ваколати Инвестициялар вазирлигига ўтказилади;

саноат зоналари бўйича маъмурий кенгашлар тугатилиб, уларнинг ваколатлари Инвестициялар вазирлигига берилади;

саноат зоналари иштирокчиларига имтиёزلарни қўллаш учун Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказининг хулосасини олиш тартиби бекор қилинади. Бундан буён назоратни Давлат божхона қўмитаси амалга оширади;

саноат зоналаридаги ерлар аукционга дирекциялар томонидан чиқарилади (ҳозирда ҳокимлик томонидан аукционга қўйилади);

инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилганидан кейин кичик саноат зоналаридаги объектларни хусусийлаштиришга рухсат берилади.

Қораузак тумани ҳокимлиги мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрда имзолаган “2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4889 сонли Қарорининг бажарилишини таъминлаш масаласига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, мазкур Қарорда Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, 2020-2022 йилларда ҳудудий инвестиция лойиҳалари доирасида умумий қиймати 12,3 триллион сўмлик 1 359 та лойиҳани ишга тушириш ва 17,5 мингта янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, 523 миллион АҚШ доллар миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда халқаро молия институтларининг 1 миллиард доллар миқдоридаги маблағларини муҳим инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга йўналтириш белгиланган.


ЖАҲОН АМАЛИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ҚУЙИДАГИЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ:

1. Инвестиция ғояларининг шаклланиши, яъни ғояни танлаш ва дастлабки асослаш ёки дастлабки инвестицион консенсияни шакллантириш;

2. Инвестиция имкониятларини излаш, яъни ишлаб чиқариладиган маҳсулотга талабни ўрганиш, лойиҳанинг қиймати ва унинг самарасини аниқлаш;

3. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши ёки унинг техник - иқтисодий ва молиявий мақбуллигини баҳолаш;

4. Баҳоловчи хулосани тайёрлаш ва инвестициялаш учун қарор қабул қилиш.



ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БОШҚАРУВИНИНГ НАМУНАВИЙ СХЕМАСИ

Инвестицион стратегия - бу корхонанинг молиялаштиришдаги ўз маблағлари ва қарз маблағларини олиш имкониятлари эга бўлгандаги истиқболда танлаб олган ривожланиш йўллари дир. Инвестицион стратегияга қуйидагича изох бериш мумкин, яъни мақсадлар вазифаларни белгилайди, стратегия эса уларни эчиш усули дир. “Сармойни ишлатишнинг бир мунча самарала усулларини аниқлаш инвестицион стратегияни ишлаб чиқишни тақозо этади”. Танланган инвестицион стратегия корхона тараққиётининг мукамал йўналишини белгилайди ва тузилган молиявий ҳолат ҳамда молиявий ресурсларнинг ўзгариши тахмини ёрдамида корхона билан бозорнинг бошқа воситачилари ўртасидаги ўзаро муносабатларда риск даражасини олдиндан камайтира олишни таъминлайди.




**ЛОЙИҲАЛАРНИ БОШҚАРИШДА
ИНВЕСТИЦИОН
СТРАТЕГИЯСИНING УМУМИЙ
ТАВСИФИ ВА ТАРКИБИЙ
ТУЗИЛИШИ**

Инвестицион лойиҳаларни бошқариш тизимида бошқарув функцияси марказий ўринни эгаллайди. Инвестицион лойиҳаларни бошқариш бўйича фаолиятни кўриб чиқиш ва баҳолашда бир қанча жиҳатларни (ёндашувларни) кўриб чиқиш мумкин.

Улардан асосийлари функционал, динамик ва предметли.

Лойиҳаларни бошқаришнинг функционал жиҳати лойиҳани бошқаришдаги муаммоларнинг умумий жиҳатини акс эттиради ва бошқаришнинг (бошқариш фаолияти турларини) асосий функцияларини кўриб чиқишни кўзда тутади: таҳлил қилиш; режалаштириш; ташкил этиш; назорат қилиш; тартибга солиш.



ЛОЙИҲА МЕНЕЖМЕНТИ ФУНКЦИЯСИ

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛИДА ҚУЙИДАГИ ҲОЛАТЛАР НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ ВА ТАҲЛИЛ ЭТИЛАДИ:

режа билан ҳақиқатда бажарилган ишларнинг фарқи таҳлил қилинади;

аниқланган фарқни бартараф этиш (тугатиш) бўйича ишлар режалаштирилади;

аниқланган фарқни бартараф этиш (тугатиш) бўйича фаолият
ташкил қилинади;

режадаги ишлар билан ҳақиқатда бажарилган ишлар назорат
қилинади.

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ БОШҚАРИШДА НАЗОРАТ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАЪМИНЛАШИ ЗАРУР:

мониторингни – лойиҳа амалга оширилишининг барча жараёнларни мунтазам ва режали кузатиш;

лойиҳа режаларини, бюджетини, турли харажатларни таҳлил қилиш асосида лойиҳа амалга оширилиш мақсадларидан четлашишларни аниқлаш;

юзага келган вазият оқибатларини башорат қилиш;

лойиҳага ўзгартириш киритиш бўйича қарорнинг зарурлигини асослаш.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШДА ҚУЙИДАГИЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТГАН:

лойиҳанинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири баҳоланади;

киритилаётган ресурслар ва олинаётган маҳсулотлар уларнинг миллий иқтисодиёт учун ҳақиқий қадр-қимматини ақс эттирадиган ноаниқ баҳоларда баҳоланади;

таҳлилга иқтисодиёт учун бевосита таъсир этувчи жиҳатлар киритилади (импортга, экспортга, аҳоли бандлилигига, чет эл валютасига, талаб ва таклифга, экологик аҳволга ва ш.к.), шунингдек билвосита таъсирлар (бошқа соҳаларга бўлган таъсири, ш.к.) ҳам киритилади;

ижтимоий шарт-шароитлар ҳисобга олинади ва ҳоказолар.

**Инвестиция
лойihalарининг
молиявий-иқтисодий
самарадорлигини
баҳолаш усуллари [8]**



**“Angor-textile” инвестиция лойиҳаси амалга ошириш жараёнида
йўналтириладиган пул маблағлари ва пул тушумлари
кўрсаткичи**

Лойиҳа даври	Пул оқими (чиқим)	Пул оқими (тушум)	Дисконт ставка
0 йил	3 000 000 000	0	12%
1 йил	8 300 000 000	0	12%
2 йил	5 500 000 000	1 400 000 000	12%
3 йил	---	3 080 000 000	12%
4 йил	---	3 388 000 000	12%
5 йил	---	3 726 800 000	12%
6 йил	---	4 099 480 000	12%
7 йил	---	4 509 428 000	12%
8 йил	---	4 960 370 800	12%
9 йил	---	5 456 407 880	12%
10 йил	---	3 001 024 334	12%

$$\begin{aligned}
 \text{NPV} = & [1\,400\,000\,000/(1+0,12)^2 + 3\,080\,000\,000/(1+0,12)^3 + 3\,388\,000\,000/(1+0,12)^4 + 3\,726\,800\,000/(1+0,12)^5 \\
 & + 4\,099\,480\,000/(1+0,12)^6 + 4\,509\,428\,000/(1+0,12)^7 + 4\,960\,370\,800/(1+0,12)^8 + 5\,456\,407\,880/(1+0,12)^9 \\
 & + 3\,001\,024\,334/(1+0,12)^{10}] - [3\,000\,000\,000/(1+0.12)^1 + 8\,300\,000\,000/(1+0.12)^2 + 5\,500\,000\,000/(1+0.12)^3] \\
 = & 16\,630\,232\,084 - 13\,210\,071\,975 = 3\,420\,160\,109
 \end{aligned}$$

“Angor-textile” инвестиция лойиҳасининг дисконтлашга асосланган қоплаш муддатини ҳисоблаш кўрстаклари

Йиллар	CF (Cash Flow)	Тегишли йиллар дисконт ставкаси	Дисконт- ланган CF	Инвестициянинг қопланиш ҳолати	
1 йил	0	1,12	0	0	Лойиҳанинг етти йилида 11692936614 сўми қопланган, қолган 1517135361 сўми саккизинчи йилда қопланган.
2 йил	1400000000	1,25	1116071429	1116071429	
3 йил	3080000000	1,41	2192283163	3308354592	
4 йил	3388000000	1,57	2153135250	5461489842	
5 йил	3726800000	1,76	2114686406	7576176248	
6 йил	4099480000	1,97	2076924149	9653100397	
7 йил	4509428000	2,21	2039836217	11692936614	
8 йил	4960370800	2,48	2003410571	13696347185	8-йилдан: 277 кун (1517135361/2003410571) *365=277
9 йил	5456407880	2,77	1967635382	15663982567	
10 йил	3001024334	3,11	966249518	16630232085	
DCF(Σ) = 13210071975					
DPР = 7 йил 9 ой 7 кундан иборат					

Иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари	Мавжуд ҳолатга кўра кўрсаткичлар натижалари	Инвестор қарор қабул қилиши шартлари	Лойиҳани амалга ошириш ҳисобига олинadиган реал натижалар	Муаммоли вазиятнинг солиштирма таҳлилига изоҳ
NPV	3 420 160 109	NPV > 0	1 834 951 472	Бизга маълумки NPV > 0 бўлганлиги сабабли лойиҳани амалга оширамиз. Аммо биз кутган даражадаги ижобий натижага эриша олмаймиз.
IRR	19,33 %	IRR > 18% HR = 18%	14,83 %	Агар инвесторни мақсад қилган фойда олиш даражаси ёки кредит учун фоиз 18% бўлса, бу лойиҳани амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас. IRR < HR
PI	1,259	PI > 1,20	1,124	Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳисобига инвесторлар ўз маблағларини тўлов қобилиятини сақлаган ҳолда 20% лик капиталлашувини таъминламоқчи бўлса, бу лойиҳа улар учун аҳамиятсиз бўлади.
DPP	7 йил 9 ой 7 кун	DPP < 8 йил	8 йил 6 ой 24 кун	Лойиҳани дисконтлашга асосланган қоплаш муддати лойиҳанинг ҳаётийлик даврига яқин, агар пул тушумлари даври билан солиштирсак деярли тенгдир.

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАДАР ЎТКАЗИЛАДИГАН МОНИТОРИНГ

МОНИТОРИНГНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВАЗИФАЛАРИ



ЛОЙИҲАНИ УЗИЛ-КЕСИЛ КЎРИБ ЧИҚИШ



ЯКУНИЙ ЛОЙИҲАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



ИНВЕСТИЦИЯ КОНЦЕПЦИЯЛАРИНИ ҚИДИРИШ



БОШЛАНҒИЧ ЛОЙИҲАНИ ТАЙЁРЛАШ

**АМАЛИЁТДА, ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛСА-
ДА, БИРОҚ, УНИ ОЛИБ БОРИШДА МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИККА УЧРАШ ҲОЛАТЛАРИ
ҲАМ КўП УЧРАБ ТУРАДИ. БУНГА БИР ҚАНЧА САБАБЛАРНИ КЕЛТИРИШ МУМКИН:**

- ➔ инвестиция лойиҳасини бошқаришдаги тажрибасизлик;
- ➔ инвестиция лойиҳасини бошқариш бўйича етарли малака ва кўникмага эга бўлмаслик;
- ➔ бошқаришнинг ғоянинг инвестиция лойиҳасига айланиш давридан бошлаб олиб борилмаслиги;
- ➔ инвестиция лойиҳаси амал қилувчи тармоқ, ҳудудга хос хусусият ва муаммоларнинг тўлиқ ўрганиб чиқилмаганлиги;
- ➔ инвестиция лойиҳаси самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омилларни мукамал даражада баҳолаш имкониятига эга бўлмаслик;
- ➔ инвестиция лойиҳаси стратегиясининг таъминланмаслиги;
- ➔ инвестиция лойиҳаси бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб боришга бўлган эътиборнинг сустлиги ёки унинг қониқарли олиб борилмаслиги;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Суюнов Д.Х., Холбаев Б.А. Лойиҳа бошқаруви: услуб ва стандартлар. Ўқув қўлланма. 2021. – 208 б.
2. Real Estate Project Finance. Different types of funding for a real estate development project. Written by CFI Team. Published January 28, 2020. Updated December 15, 2022. <https://corporatefinanceinstitute.com/resources/commercial-real-estate/real-estate-project-finance/>
3. Adam Hayes. Project Finance: How It Works, Definition, and Types of Loans. Updated August 20, 2021. <https://www.investopedia.com/terms/p/projectfinance.asp>
4. Project Finance: Definition, Structure, and Alternatives. 2023 Hexagon AB and or its subsidiaries and affiliates. All Rights Reserved. <https://www.ecosys.net/knowledge/project-finance/>
5. A Guide to the Project Management Body of Knowledge (PMBOK® Guide) – Seventh Edition and The Standard for Project Management (ENGLISH) Seventh edition
6. Harvard Business Review Project Management Handbook: How to Launch, Lead, and Sponsor Successful Projects (HBR Handbooks) Paperback – October 19, 2021.
7. Разу М.Л. Управление проектом. Основы проектного управления: учебник.- М.:КНОРУС, 2006. - 768 с.
8. Бозоров Р.Ҳ. Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 й.
9. Пардаев М. Қ., Холиқулов А.Н., Жумаева Г.. Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2019. - 234 бет.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ